

**ҚАДИМГИ ТУРКЛАРДА ИНСОН ТАНАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ
КАСАЛЛИКЛАРГА ТЕГИШЛИ СЎЗ ВА АТАМАЛАР**

Рўзиёв Наврўз Ихтиёр ўғли

Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси

Қадимги турк табобатида энг кўп аҳамият берилган касалликлар орасида инсон танасига алоқадор кўплаб сўз ва атамалар учраб, уларнинг катта бир қисми Ўрхун-Энасой битиктошлари, “Девону луғати-т-турк”, арабча – туркча сўзликлар каби илк ва ривожланган ўрта асрларга тегишли ёзма асарларда тилга олинган бўлса, сезиларли бир қисми эса бугунги туркий тилларда учрайди. Айниқса, “оқсоқ”, “чўлоқ”, “кўтарам” (кўталанг), “баймоқ” (маймоқ), “букри” каби инсон танасининг турли қисмлари билан боғлиқ хасталиклар қадимда бўлганидек, бугунги кун туркий тилларида ҳам деярли ўзгаришга учрамасдан сақланиб қолган. Буни ўзбек тили ва шеваларида ўрин олган сўз ва атамалар ҳам кўрсатиб турибди.

Қуйида қадимги туркча ва ҳозирги туркий тилларда учрайдиган бундай хасталикларга тегишли сўз ва атамаларни ни Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асари ва арабча-туркча сўзликлар негизида кўриб чиқамиз:

1. “**Ахсақ** – оқсоқ, чўлоқ”; **ахсақ-бухсақ** – оқсоқ ва чўлоқларга жуфт ҳолда ахсақ-бухсақ дейилади. Ҳар иккиси қўшиб айтилади”¹. Ривожланган ўрта асрларга тегишли арабча-кипчоқча (туркча) сўзликларда “ахсақ”, “ақсақ” кўринишларида тилга олинган бу сўз бугунги туркий тилларнинг

¹ Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 1- том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 141, 432.

деярли барчасида “ақсақ” ёки “ақсах” ўлароқ ишлатилади². Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу сўзга “оқсоқ – оқсаб юрадиган; бир оёғи калта ёки чўлоқ” деган очиклама берилган³. Маҳмуд Кошғарий келтириб ўтган “ахсақ-бухсақ” кўриниши эса бугунги туркий тилларда деярли учрамайди. Фақатгина корачой-болқор туркчасида унинг бироз ўзгарган шакли “ақсақ-туқсақ” кўринишида “оқсоқ, чўлоқ” маъносида сақланиб қолган. Шунга ўхшаш ўзбек тилининг Нурота шевасида “оқсоқ-тўқсоқ” (ақсақ-тўқсақ) деган атама учраб, айрим изланувчиларга кўра, бу жуфт сўз ўзбек уруғларидан бирига тегишли этнографик атамадир⁴.

Ўрта асрларда туркий кўмондонлардан бир қанчаси “оқсоқ” лақаби билан тилга олинган бўлиб (*мас.* Оқсоқ Темур), бу эса туркийлар орасида бу хасталик анча кенг тарқалгани билан боғлиқ бўлса керак. Кундалик турмуш тарзида чорвачилик ва ҳарбий етакчилик қилиб, ҳаёти кўпинча от устида кечган туркий халқ вакиллари орасида жисмоний жароҳат олиш тез-тез учраб турган. Бу эса ушбу хасталикнинг улар орасида бирмунча кенг учрашига олиб келган.

2. “**баймақ** – оёғи қийшиқ киши” ўлароқ ўрта аср кипчоқча сўзликларда учрайди⁵. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “**маймоқ** – оёқ панжаси нотўғри, қийшиқ” деб очикланади⁶. “Туркий тилларнинг қипчоқ

² Kurt Öteleş Y.T. Tarihi Kıpçak Türkçesinde yer alan hastalık adları ve hastalıkla ilgili kavramlara dair söz varlığı // RumeliDE Dil ve Edebiyat Araştırmaları Dergisi, (Ö14). Mart, 2024. – S. 145.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. О ҳарфи. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 182.

⁴ Жураев М. Эпический сюжет: истоки и эволюция. – Ташкент. Издательство «Firdavs-Shoh», 2021. – С. 143.

⁵ Kurt Öteleş Y.T. Tarihi Kıpçak Türkçesinde yer alan hastalık adları ve hastalıkla ilgili kavramlara dair söz. – S. 145.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Б ҳарфи. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 529.

лаҳжалари тармоқлари бўлмиш қозоқ, қирғиз, қорачой-болқор тилларида “баймақ”, “маймақ” кўринишларида учрайдиган бу сўз ўзбек тили ва шеваларида “эгри оёқли” маъносида сақланиб қолган. Девону луғати-т-турк” асарида “**майғуқ** – эгри оёқли киши”⁷ сўзи ушбу касаллик турининг энг эски кўринишларидан бири бўлса керак. Ўзбек тилидаги “ногирон, жисмонан носоғлом” маъносидаги “майиб” сўзининг негизи ҳам ушбу сўзларга бориб тақалади.

3. “**букри** – букри, ҳар бир букри нарса”⁸. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “**букри** – букур. Умуртқа поғонасининг лат ейиш ёки турли касалликлар орқали дўппайиб чиқиб қолиш; эгилган, майишган” деб очиқланган бу сўз⁹ туркий тилларнинг кўпчилигида шу ёки шунга яқин кўринишларда учрайди. Ўрта асрлар қипчоқча сўзликларда “букри”, “букри”, “букру” кўринишларида эслатилган бу сўз бугунги туркий тилларда, айниқса, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, нўғой, қозон татарлари, бошқирд, қумуқларда “букри”, “букри”, “букир” кўринишларида сақланиб қолгани кўзга ташланади¹⁰.

4. “**йел / йил** – ревматизм; ел” маъноларида ўрта аср қипчоқча сўзликларида учраб, туркий тилларнинг айримларида, хусусан, қипчоқ лаҳжаларида “жел”, “йел” кўринишларида касаллик тури ўларок “ревматизм”, айримларида “шамоллаш, ел тегиш” маъноларида

⁷ Кошғарий, Махмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 3- том. – Тошкент: Фан, 1963. – Б. 190.

⁸ Кошғарий, Махмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 1- том. – Б. 387.

⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Б ҳарфи. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 368.

¹⁰ Kurt Öteleş Y.T. Tarihi Kıpçak Türkçesinde yer alan hastalık adları ve hastalıkla ilgili kavramlara dair söz. – S. 146.

ишлатилади¹¹. Ўзбек тилида бу сўз “шамол” маъносидаги “ел” сўзи кўринишида сақланиб қолган.

5. “кўтрам – қўли, оёғи ишламайдиган” маъносида ўрта аср қипчок сўзликларида учрайди¹². Ўзбек тили шеваларида “кўтарам - бошқаларнинг ёрдамсиз оёқда тура олмайдиган аҳволдаги ҳайвон” маъносида сақланган¹³ бу сўз Қашқадарё вилояти Косон тумани Неқўз қишлоғида “майиб, мажруҳ”, Чироқчи туманида эса “Касаллиги ёки қаровсизлиги туфайли ориқ аҳволга тушиб қолган (қорамол” маъноларида ишлатилади¹⁴. “Кўтерем” кўринишида туркий тилларда, хусусан, Онадўли туркчасида, шунингдек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, нўғой, қорачой-болқор, қозон татарчаси, бошқирд тилларида ҳам шу ва шунга яқин маъноларда ишлатилади¹⁵. Ўзбек тилининг айрим шеваларида “кўталанг” кўринишида сақланган бу сўз баъзи ўринларда кўчма маънода ялқов одамларга нисбатан ҳам қўлланилиб, қорачой-болқорчада ҳам айрим ўринларда шу маънода ишлатилади¹⁶.

6. “чўлақ – қўли кесилган чўлоқ, чўлтоқ”¹⁷ ўлароқ “Девону луғати-турк” асарида очиқланган бу сўз ўзбек тилида бирмунча кенг маънода қўлланилади. Бу сўз ўзбек тилининг айрим шеваларида фақатгина “оёғи

¹¹ Kurt Öteleş Y.T. Tarihi Kıpçak Türkçesinde yer alan hastalık adları ve hastalıkla ilgili kavramlara dair söz. – S. 147.

¹² Kurt Öteleş Y.T. Tarihi Kıpçak Türkçesinde yer alan hastalık adları ve hastalıkla ilgili kavramlara dair söz. – S. 145.

¹³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. К ҳарфи. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 473.

¹⁴ Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари луғати. – Тошкент: Муҳаррир, 2011. – Б. 161.

¹⁵ Kurt Öteleş Y.T. Tarihi Kıpçak Türkçesinde yer alan hastalık adları ve hastalıkla ilgili kavramlara dair söz. – S. 147.

¹⁶ Kurt Öteleş Y.T. Tarihi Kıpçak Türkçesinde yer alan hastalık adları ve hastalıkla ilgili kavramlara dair söz. – S. 147.

¹⁷ Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Мутталибов. 1- том. – Б. 362.

чўлоқ, оқсоқ” маъносида қўлланилса-да, ўзбек адабий тилида “қўли кесилган”, “қўли қийшиқ”, “қўли яроқсиз”, “оёғи яроқсиз” маъноларида бирмунча кенг маънога эга сўз саналади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “**чўлоқ** – 1. Оёғи майиб; оқсоқ. 2. Қўли ёки оёғи йўқ; ногирон. 3. Оёғи синиқ, синган” ўлароқ очиқланади¹⁸. Қизиғи шундаки, ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида “мўлоқ (мўлақ)”, “чўлоқ-мўлоқ” сўзлари учраб, биринчиси “қўли кесилган киши” маъносида келади. Шунинг бирмунча фарқли кўриниши “мўлтоқ” кўриниши Қашқадарё вилояти Кўкдала тумани аҳолиси орасида сақланган бўлиб, “Оёғи ёки қўли бўлмаган киши” маъносида қўлланилади¹⁹.

Қадимги туркчада бу сўз ва атамалардан ташқари инсон танаси, суяклари билан боғлиқ феъллар ҳам учраб, “Девону луғати-т-турк” асарида “оғрулды (ўғрулди)” феълига очиқлама берилар экан, “**сўнгахк ўғрулди** – суяклар айрилди ва бўлак-бўлак бўлиб қолди” тарзида келтириб ўтилади²⁰.

Қисқа қилиб айтганда, юқорида тилга олинган қадимги туркча касаллик номларининг барчаси туб туркий сўзлар бўлиб, ривожланган ўрта асрларда туркий тилларда бунга ўхшаш касалликларга алоқадор ўзга тилларда ўзлашган сўз ва атамаларга деярли дуч келинмайди. Қадимги туркий халқларда инсон танаси, тана аъзолари билан боғлиқ яна бир қатор сўз ва атамалар учраб, уларни тадқиқ қилиш орқали қадимги табobati ҳақида муайян тарихий маълумотларга эга бўлиш мумкин.

¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ч ҳарфи. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 368.

¹⁹ Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари луғати. – Б. 188.

²⁰ Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Мутталибов. 1- том. – Б. 249.